



“1” апрель 2021 й. № 02-06/1566

**Оммавий тадбир ташкилотчилари,
ташқи реклама билан шуғулланувчи
реклама агентликлари**

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Маълумки, юртимизда коронавирус билан боғлиқ эпидемиологик вазият барқарорлашган даврда театр, кино (кинотеатр) ва концерт-томоша дастурларини ташкил этишда карантин чекловлари юмшатишган.

Шуна кўра, сўнги вақтларда аксарият реклама воситалари, жумладан оммавий ахборот воситалари, ташқи реклама воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали театр, кино (кинотеатр) ва концерт-томоша дастурлари рекламаси кескин фаоллашган бўлиб, оммавий тадбир (концерт) ташкилотчилари томонидан кўрсатилаётган хизматлар рекламаларида тадбирни (концертни) бошланиш вақти аниқ белгиланган бўлсада, амалда ўз вақтидан кеч бошланиши кузатилмоқда.

Ўз наватида, реклама ахборотидаги маълумотлар амалдаги ҳолатга мос келмаслиги истеъмолчиларнинг маълумот олишга бўлган ҳуқуқлари бузилишига ва ижтимоий тармоқлар фойдаланувчиларининг ҳам ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

“Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига асосан, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шартлиги белгиланган.

“Реклама тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, қонунийлик, аниқлик, ишонччилик, рекламадан фойдаланувчига зарар, шунингдек маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш рекламага доир асосий талаблардир. Ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши оқибатида рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган реклама нотўғри (инсофсиз, билатуриб ёлғон) реклама ҳисобланиб, бундай реклама тақиқланади (13-модда).

Юқоридагиларга асосан, рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилишингиз ҳамда рекламаларда товар (иш, хизмат) тўғрисидаги муҳим маълумотлар тўғри, тушунарли ва ишончли бўлишини таъминлашингиз сўралади.

Директор ўринбосари



А. Қурбонов